Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 25 (6915). ● 7 Февраль, 1979 йил ▲ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ЙИЛИ

◆ МУСОБАҚА ЮТУҚЛАР ГАРОВИ ◆ ҒОЛИБ ЦЕХ ◆ ПЕШҚАДАМЛАР НАМУНАСИ. ◆ НОВАТОРЛАР ҲИССАСИ

Бу завод республикамизнинг лак-бўёқ ишлаб чиқарувчи ягона корхонаси ҳисобланади. Коллектив қўлидан чиқаётган маҳсулотлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, бинокорлар учун қўл келмоқда. Чунки, йил сайин кенгайиб бораётган капитал қурилишининг лак-бўёқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

Зиммаларидаги вазифанинг шарафли ва масъулиятли эканлигини чуқур ҳис қилган Тошкент лак-бўёқ заводи ишчи-хизматчилари давлат планларини шараф билан бажаришга эришмоқдалар.

Социалистик мусобақа коллектив меҳнатда эришаётган ютуқлар омили бўлаяпти. Унинг оммавийлиги ва ошкоралигини таъминлаш юзасидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тобора такомиллаштириляпти. Ғолиб коллективларга пул мукофотлари, корхонанинг кўчма Қизил байроқлари, вимпеллар топширилмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида социалистик мусобақа туфайли эришилган муваффақиятлар анча салмоқли бўлди. Илғор тажрибаларни амалга ошириш, давлат планларини муддатидан илгари бажариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга эътиборнинг кучайганлиги натижасида зарбдор йил плани шараф билан адо этилди. Йиллик топшириқ муддатидан илгари уддаланди. Ишлаб чиқаришнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам анча ошди. Жумладан, меҳнат унумдорлиги плани 102,9 процент қилиб адо этилди. Маҳсулот таннархини камайтиришдан ўнларча минг сўмлик иқтисодий самара кўрилди.

Завод меҳнат аҳли фидокорона ишлаганлиги учун зиммасига олган юксак социалистик мажбуриятини ҳам муваффақиятли бажарди. Йиллик пландагидан ташқари 1 миллион 54 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу қўшимча ўнлаб тонна лак ва бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, демакдир.

Корхонада социалистик мусобақанинг турли формалари жорий қилинган. Цехлараро меҳнат беллашуви яхши йўлга қўйилган. Асосий цехлар ва ёрдамчи цехлар коллективлари бир-бирлари билан рақобат қилишяпти. Ғолиб чиққан цех ишчи-хизматчиларига корхонанинг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти берилмоқда. Ўтган йили учинчи цех коллективи жуда самарали ишлади. Худди бир оила аъзоларидек, аҳил ва иноқ бу цех ишчилари йил давомидаги цехлараро социалистик мусобақада етти марта ғолиблик қилишди. Уларнинг унумли ва сифатли меҳнатлари моддий жиҳатдан муносиб тақдирланди. Анчагина миқдорда пул мукофоти берилди. Бу мукофотлар ишчи-хизматчилар ўртасида тақсимланиш қатори турли хил маданий-оммавий тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш, саноат эстетикасини жорий қилиш, ишчи-хизматчиларнинг дам олишини яхши уюштиришга сарфланди.

Корхонанинг қатор сменалари ҳам давлат планларини ва эл-юрт олдида берилган ваъдани муваффақиятли бажаришга эришмоқдалар. Айниқса Н. Ҳамидов, Ҳ. Мирзарасуловлар бошчилик қилаётган смена ишчилари бошқа сменалаларга намуна бўлишяпти. Уларнинг ўртача иш кўрсаткичлари 110—115 процентни ташкил этмоқда. Шундай меҳнатсеварларни сафига бирлаштирган цех коллективи йил давомида қўшимча бир неча юз тонна лак ишлаб чиқарди.

Корхонада зиммасига шахсий мажбуриятлар олиб ишлаётган ишчилар сафи ҳам мунтазам кенгайиб боряпти. Коллектив аъзоларининг аксарият кўпчилиги шахсий марраларни муваффақиятли эгаллаш йўлида жонбозлик кўрсатмоқда. Ҳозир ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш, беш кунлик топшириқни тўрт кунда адо этиш бўйича ватанпарварлик ҳаракати иштирокчилари қаторида юзлаб ишчилар бор.

Заводда узоқ йиллар давомида ишлаб, бой тажриба орттирган ва ўз касбини пухта эгаллаган ишчиларнинг меҳнат кўрсаткичлари жуда юксак бўлмоқда. С. Фахруддинов, В. Бережнов, В. Юмагулов, С. Дреев, А. Гаврилова ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар смена топшириқларини 1,5 баравар ва ундан ҳам ошириб адо этишяпти. Маҳсулотларининг сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмоқда. Бу пешқадамлар меҳнат календарида ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили бошланганига анча бўлди. Уларнинг айримлари 1980 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига ишлашмоқда. Корхонада 167 ишчи беш кунлик топшириқни тўрт кунда адо этиш ташаббусига қўшилган. Улар ҳам ўз ваъдаларининг уддасидан чиқишяпти.

Завод цехларида янгийўлликларнинг қолоқларсиз ишлаш юзасидан бошлаган ташаббуси ҳам кенг қулоч ёзган.

Корхона коллективининг меҳнат ютуқлари ҳақида гап борганда, ишлаб чиқариш новаторларининг бунга қўшаётган улушларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ўз сафига ўнлаб ишчи-хизматчилар ва инженер-техникларни бирлаштирган ихтирочилар ва рационализаторлар коллективи самарали изланиш олиб боришяпти. Улар ишлаб чиқаришнинг жуда кўп қолоқ участкаларини такомиллаштириш, меҳнат жараёнларини енгиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган таклифлар билан чиқишмоқда. Биргина зарбдор йилда эллиқта рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари амалга оширилди. Бундан кўрилган иқтисодий самара салкам 170 минг сўмликни ташкил этди.

Завод ишлаб чиқараётган маҳсулотларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, корхонани кенгайтириш, қатор янги прогрессив технологик жараёнларни, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган асбоб-ускуналарни жорий қилишга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда яқин йиллар ичида лак ишлаб чиқариш ҳозирги вақтдагига нисбатан икки баравар кўпайиши, бўёқ тайёрлаш ҳам анча ортиши лозим. Шу мақсадда салкам 23 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиши керак.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шу истиқбол режалари асосида ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида юксак социалистик мажбуриятлар олишди. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича йиллик планни 25 декабргача, тўрт йиллик топшириқни эса 17 декабргача бажариш режаларини тузишди. Коллектив бу йил пландагига қўшимча ярим миллион сўмлик маҳсулот реализация қилади. Тўрт йиллик планига қўшимча ишлаб чиқариладиган лак-бўёқ миқдори 10 миллион сўмликни ташкил этади. Йил давомида 462 киловатт-соат электр энергияси, салкам 1,5 минг гигакаллорий иссиқлик энергияси, 5 минг кубометр газ ва бошқа қатор материаллар ҳамда хомашёни тежаб қолишга эришилади.

Ш. ШОАЛИМОВ,
М. МАҲМУДОВ.

«Ташсельмаш» заводининг донгдор ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Маҳмуд Мўйдинов смена топшириқларини мунтазам икки баробарга етказиб бажармоқда. Шу билан бирга у кўплаб ёшларнинг устози ҳамдир.

М. Нуриддинов фотоси.

ИЛМИЙ ИШЛАРГА РИВОЖ

«Фан ва техника илмий ютуқлари ишлаб чиқаришга актив жорий этилмоқда»... КПСС Марказий Комитетининг мамлакатимиз барча сайловчилари, гражданларига Мурожаатида айтилган шу сўзларда биз олимлар илмий тадқиқотларни ривожлантириш, уларнинг сифати ва самрадорлигини ошириш, халқ хўжалигини юксалтириш, совет кишлари фаровонлигини жадал ўстириш манфаатлари йўлида фаннинг ҳаёт билан алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида партия қилаётган жуда катта ва тинимсиз ғамхўрликни кўрамиз.

Шу ғамхўрликнинг амалий натижаларини ўз институтимиз коллективининг фаолиятида доимо сезиб турибмиз. Институтимиз ўттиз ёшга тўлмоқда. Бу — муттасил ўсиш, илмий изланишлар доирасини кенгайтириш, уни республика қишлоқ хўжалигини ва аввало пахтачиликни ривожлантиришнинг амалий вазифалари билан тўхтовсиз яқинлаштириш йиллари бўлди. Пахтанинг янги прогрессив навларини яратиш, тупроқ унумдорлигини тубдан яхшилашга қаратилган деҳқончилик системасини ишлаб чиқиш, ўсимлик ривожини тезлаштирадиган, ҳосилдорликни оширадиган самарали биоген препаратларни вужудга келтириш — мана шулар коллектив илмий фаолиятининг асосий йўналишларидир. Уларнинг ҳаммаси бевосита қишлоқ хўжалик ишларида фойдаланишга қаратилган. Олимларимиз бажарган тадқиқот натижаларини жорий этишдан олинган иқтисодий самара ўтган йили салкам ўтиз миллион сўмни ташкил этди.

Партия Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаати янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради. Институтимизнинг коллективи шу даъватга жавобан ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда куч-ғайратларини оширади, республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш йўлидаги илмий изланишни тобора авж олдирди.

А. АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг директори, биология фанлари доктори.

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган қоида ва хулосаларга қатъий амал қилиб, иш юритган бригадамиз аъзолари қувончли натижаларга эришдилар. Мураккаб табиий қийинчиликлар тадбиркорлик билан бартараф этилди. Ҳар бир агротехник тадбир маромида ва сифатли ўтказилди. Шунинг учун зарбдор йилни ёруғ юз билан якунладик.

Бригадамиз аъзолари 66 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34,9 центнердан ҳосил кўтариб, жами 230 тонна «оқ олтин» етиштирдилар. Давлатга сотилган пахтанинг 223 тоннаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Олинадиган даромад ҳосилнинг чўғи ва сифатига боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Ҳосилдорлик ортиб, пахтани асосан юқори сортларга топшираётганлигимиз туфайли даромад баракали бўлаётир. 1978 йилда пахтадан пландаги 86 минг 606 сўм ўрнига 121 минг 113 сўм соф даромад қилдик.

Кўп йиллардан бери бригадамизда пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани бажарилмай, доғда қолар эдик. Ҳолбуки, ерларимиз пахтадан юқори ҳосил етиштириб келаётган қўшни бригада ерларидан фарқ қилмасди. Аммо, уларда ерни қадрлаш, меҳнатни ташкил этиш бизга нисбатан бошқача эди. Биз улардан ўрнак олдик. Аъзоларимиз бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилдилар. Аввало, ерларимизни яхшилаб текисладик. Кичик ерларни бир-бирига қўшиб, катта майдонларга айлантирдик. Заҳкаш ерларимиз ҳам бор эди. Ариқ-зовурларни чуқур қазиб, ерларнинг захини қочирдик. Минерал ва маҳаллий ўғитларнинг асосий қисмини ерларни ҳайдашдан аввал солдик. Шунинг натижасида ерларимиз унумдорлиги ортиб, ҳосилдорлик ҳам кўтарилди.

Кейинги икки йилдан бери халқ хўжалик планлари мунтазам ортиғи билан бажарилаётир. Шу даврда ҳосилдорлик 12 центнерга оширилди.

Биз ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам баракали хирмон уйиш учун қиш даврида шунга яраша пухта замин яратаяпмиз. 66 гектар еримизнинг ҳар гектарига 200 килограммдан аммофос, 100 килограммдан калий ўғитлари солиб ҳайдаб қўйдик. Ҳамма еримизни икки ярусли плугларда 35—40 сантиметр чуқурликда шудгорладик. Далага маҳаллий ўғит чиқаришга, ер унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор беряпмиз. Бу ишда механизаторлардан Фарҳод Ибрагимов, Абдужаббор Дусеновлар ғайрат-шижоат кўрсатиб, кунига далага 40—50 тонна гўнг ташиб чиқараётирлар.

Меҳнаткаш деҳқонларимиз ўтган йилдаёқ ариқ-зовурларни тозалашни бошлаб юборган эдилар. Ҳозирги кунда бу ишни янада жадаллаштирдик. Ариқ-зовурларни тозалаш ишларида М. Чилтенбоев, Ш. Шоазизов, Қ. Тасимов, Ҳ. Эралиева, Г. Утеевалар намуна бўлмоқдалар.

Илғор коллективлар сафидан мустаҳкам ўрин олиш учун астойдил ҳаракат қилаётган деҳқонларимиз қишнинг ҳар бир кунини зарбдор меҳнат билан ўтказиб баҳорги экиш ишларига тўла ҳозирланмоқдалар. Аввалдан пухта ишлаб чиқилган кузги-қишки тадбирлар комплексини муваффақиятли ўтказиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1979 йилда баҳорги дала ишларига тайёргарлик ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорига амалий жавоб бериш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Я. МАМАДИЕРОВ,
Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз бригада бошлиғи.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

579-Избоскан сайлов округининг сайловчилари СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Нормахонмади Жўраевич Худойбердиев билан учрашдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар совет кишилари Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашганликлари тўғрисида, округ меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг мамлакатдаги сайловчиларга, барча гражданларга қарата чиқарган Мурожаатига зарбдор ишлар билан жавоб қайтаришга интилаётганликлари ҳақида, коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг вакиллари учун якдиллик билан овоз беришга шай эканликлари тўғрисида гапирдилар.

(ЎзТАГ).

Ғалаба районидаги «Москва» колхозининг тракторчилари кўклам экиш кампаниясига пухта тайёрланмоқдалар. Ҳозир бу ердаги ҳайдов, чопиқ тракторлари, сеялкалар сифатли ремонтдан чиқариб қўйилди. Суратда: ремонтдан чиқарилган техника.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

ДАЛАЛАР УЧУН КАНАЛ

Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида узунлиги 6 километр бўлган магистрал каналнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Секундига 37 куб метр сув бера оладиган канал «Ангрен» совхози далаларига оби-ҳаёт келтиради. «Ташоблмелиоводстрой» бошқармасининг бўлинмалари қурган канал ўзани бетон билан қопланган. Бу эса сувнинг шимилиб кетишдан нобуд бўлишини камайтиради.

Канал биринчи навбатининг ишга туширилиши билан 1200 гектар ерни сув билан таъминлаш яхшиланади. Янги ерлар ўзлаштирилиши билан суньий дарё ҳам узайтирилиб, 30 километрдан ошади.

РЕКОНСТРУКЦИЯ САМАРАСИ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти Давлат комитети Ғалаба район бирлашмасининг ихтисослашган цехи реконструкция қилинганидан кейин ишга туширилиб, Т-4 ва Т-4 «А» маркали тракторлар учун шассиларни ремонт қилиб чиқарди. Бу ерда Тошкентдаги лойиҳа конструкторлик-технология бюросининг мутахассислари ёрдами билан республикада биринчи марта трактор шассиларини қисмларга ажратиш ва йиғишнинг поток-узел усули яратилган.

Серунум ускуналардан фойдаланиш, деталларни тўрт марта ювиш, уларни маҳсус стендларда синаб кўриш трактор шассиларининг ишлаш муддатини анча кўпайтириш имконини бермоқда. Бу ерда ҳар йили 400 та шассини тиклаш мўлжалланган қўйилди. Цехни реконструкция қилиш учун бўлган чиқимларнинг ҳаммаси олти йил ичида қопланади.

МЕТАЛЛНИ ТЕЖАБ

«Узбексельмаш» бирлашмасининг бош заводида чигит экадиган сеялкалар учун пластмассалардан воронкалар тайёрлана бошланди. Энди бирлашма коллективи қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили салкам 400 тонна пўлатни тежаб қолиши мумкин.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ АГРЕГАТЛАР

Тошкент боғ ва токзорлар учун машиналар махсус конструкторлик бюросининг тажриба-механика заводи қиш фаслида қўмилган токларни очадиган янги агрегатлар кўплаб ишлаб чиқарила бошлади. Бу агрегатларнинг унумдорлиги бошқа конструкциядаги шундай механизмларга қараганда анча юқори. Бу ишда заводда соҳибкорларнинг меҳнатини енгиллаштирадиган 600 та шундай машина тайёрлаб, Ўрта Осиё республикаларининг хўжаликларига жўнатиш кўзда тутилмоқда. Давлат синовлари шуни кўрсатдики, шундай битта машинани ишлатишдан йилига салкам 1,5 минг сўм иқтисодий самара олинади.

МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙМОҚДА

Ғазалкент консерва заводида помидорни қайта ишловчи цехнинг қуввати суткасига 550 тонна маҳсулотни кўпроқ қайта ишлайдиган бўлиб қолди. Янги автомат линия ишга туширилганлиги туфайли шунга эришилди. Корхонада консервачиларнинг меҳнатини енгиллаштирган кўпгина бошқа янгиликлар ҳам пайдо бўлди. Бу ерда асбоб-ускуналарни модернизациялаш ҳисобига беш йиллик бошидан буён мева ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди.

(ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ К. В. РУСАКОВ БИЛАН УЧРАШУВИ

5 февраль куни Ленинаканда Арманистон ССР Ленинакан—Марказий сайлов округининг сайловчилари СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитетининг секретари Константин Викторович Русаков билан учрашдилар.

Ленинакан шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. А. Арзуманян учрашувни очди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — гўшт консерва комбинатининг директори Д. С. Мамиконян шу ерда ҳозир бўлган кишиларга К. В. Русаковнинг ҳаёт йўли тўғрисида сўзлаб берди ва сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзодлари учун якдилик билан овоз беришга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққан сайловчилар КПСС билан халқнинг тош метиндек мустаҳкам бирлиги, мамлакатимиздаги қардош халқларнинг бузилмас дўстлиги ҳақида, барча совет кишилари каби Арманистон меҳнаткашлари ҳам партиямизнинг ленинча йўлини тўла-тўкис маъқуллаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Натиқлар таъкидлаб ўтганидек, СССРнинг социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар билан изчил тинчликсевар ташқи сиёсати кескинликнинг юмшатилишига, халқаро вазиятни соғломлаштиришга актив ёрдам бермоқда.

Учрашув иштирокчилари томонидан самимий кутиб олинган К. В. Русаков нутқ сўзлади. СССР Олий Советига яқинда ўтказиладиган сайлов, деди у, алоҳида характерга эгадир. Коммунистик бунёдкорликнинг қудратли қуроли бўлиб қолган СССР янги Конституцияси қабул қилинганидан кейин биринчи марта сайлов ўтказилади. Мамлакатнинг халқ хўжалигини янада юксалтириш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш, СССРнинг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш учун Конституция берадиган ижодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш вазифаси ўртага қўйилди. Партиямиз ва давлатимизнинг бутун иши шу руҳда олиб борилмоқда.

Депутатликка номзод СССРнинг халқаро аҳволига доир баъзи бир масалаларга тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш — совет ташқи сиёсатида биринчи ўринни олиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг сиёсат, экономика, идеология, мудофаа соҳасида маҳкам алоқа боғлаб биргаликда ҳаракат қилаётганлиги — КПСС ва бошқа қардош партиялар изчил интернационал сиёсатининг натижасидир.

Нотиқ сўзини давом эттириб бундай деди: Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши бу йил ўзининг 30 йиллигини нишонлайди. Ҳозирги кунда социалистик ҳамдўстлик дунёда барқарор ва юксак суръатлар билан ғоят тез ривожланаётган иқтисодий куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Бу факт хўжалик вазифаларини ҳал этишда социализм мамлакатларининг куч-ғайратини бирлаштириш ҳаётий ва таъсирчан қудратга эга эканлигини кўрсатувчи яхши намунадир.

Нотиқ социалистик мамлакатларнинг сиёсий ҳамкорлиги ривожланиб бораётганлигини таърифлаб, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг ўтган йил ноябрь ойида бўлиб ўтган кенгаши катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

Биз, деди К. В. Русаков, ўзгариб бораётган жаҳонда яшамоқдамиз. Инсониятнинг эртанги куни тинчлик куни бўлиб қолиши учун, кескинликни юмшатиш ва жаҳон миқёсидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш комил ишонч билан кетма-кет муваффақият қозониши учун кескин ва оғир кураш давом этмоқда. Бу — тарихий кўламдаги ишдир. Бу иш Совет Иттифоқида ва бошқа қардош мамлакатларда коммунистик ва социалистик қурилиш учун қулай ташқи сиёсий шароитларни вужудга келтириш, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашаётган халқларнинг озодлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлашга, тинчлик ва ижтимоий тараққиётни таъминлашга қаратилган.

Депутатликка номзод сўзининг охирида юксак ишонч учун миннатдорчилик изҳор қилади ва учрашув қатнашчиларига ваъда бериб, мен сайловчиларнинг ишончини оқлаш учун куч-ғайратимни аямайман, деди.

(ТАСС).

ҲАЁТ СИНОВИДАН ЎТГАН ҚАРДОШЛИК

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи барча гражданларга қарата сайлов олдидан чиқарган Мурожаатида бундай дейилади: «Совет ватанпарварлиги ва интернационализмининг ҳаётбахш ғоялари одамлар онгига тобора чуқур сингиб бормоқда... Коммунистик партия мамлакатдаги барча миллат ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва яқинлаштириш йўлини бундан буён ҳам ўтказаверади». Бу — ажойиб сатрлар! Совет халқларининг меҳнат қардошлиги ҳаёт синовидан ўтганлигини, барча синовларга бардош берганлигини ва қудратли куч бўлиб қолганлигини ҳар бир кунимиз тасдиқламоқда.

Мана бизнинг «Метрострой»имизни олиб кўрайлик. «Ер ости электричкаси» қурувчиларининг коллективи метро қуриш ишлари бошланган дастлабки кунлариданоқ Москва, Киев, Боку ва Ленинградликларнинг мадади ҳамда қардошларча ёрдамини дархол сезди. Мамлакатдаги барча республикаларнинг ўнлаб корхоналари Тошкент метросини муддатидан барвақт ишга туширишда қатнашдилар, қурувчи ва фойдаланувчи кадрларни ўргатдилар. Кўпгина кишилар эса кўчиб келиб, шу ерда ишлаш учун қолдилар.

«Ташметрострой» трестида ўнлаб миллат вакиллари ишламоқда. Ҳаммасининг мақсади бир — у ҳам бўлса зарбдор ишлар билан ватанимиз — Совет Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлашдир. Биз, шоферлар бу ишга ўз хиссамизни қўшмоқдамиз, метронинг янги участкасида биринчи поездни белгиланган муддатидан илгари ишга тушириш учун қурувчилар билан биргаликда ҳаракат қилмоқдамиз, иккинчи линияни тезроқ қурабошлашга интилмоқдамиз.

Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш, дейилади КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатида, — совет халқининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш учун овоз бериш демакдир. Бу бирлик — бундан буёнги равнақимизнинг гаровидир. Шу боисдан ҳам менинг ҳамма ўртоқларим коммунизм сари ғолибона ҳаракатимиз учун овоз бериш мақсадида 4 март куни сайлов кутилари олдига келадилар.

Б. РАИЦИН,
«Ташметрострой» шоферларининг бригадири.



Тошкент метрополитенининг иккинчи навбат қурилиши жадал суръат билан давом этмоқда. Суратда: «Ташметрострой» трести иккинчи қурилиш монтаж бошқармасининг илғор проходкачилари (чапдан) Мамарасул Қаршиев, Ғойиб Чорнев, бригадир Константин Виноградов, Геннадий Каратаев ва Санд Минибоев.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР БУРЧИ

Яқинда медицина ва дорихона ходимларининг область активи йиғилиши бўлди.

Актив йиғилишини область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев кириш сўзи билан очди.

Область даволаш-профилактика муассасалари ва дорихоналарида 1978 йилги иш якунлари ва навбатдаги вазифалар ҳақида область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Б. У. Тошбеков доклад қилди.

— КПСС XXV съезди қарорларида социал вазифалар орасида совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида аҳамият берилди, дейди докладчи. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг халқ сиҳат-саломатлигини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қароридан сўнг областимизда медицина тармоқларини кенгайтиришга янада катта эътибор берила бошланди. Медицина объектлари қурилишига катта маблағлар сарфланмоқда. Кейинги уч йил ичида бундай маблағлар 10,4 миллион сўмга ортди. Бу йил эса шу мақсадлар учун 62,6 миллион сўм ажратилди.

Касалхона, поликлиника, дорихона, сут маҳсулотлари тайёрлайдиган ошхоналар кўплаб қурилмоқда. 132 та касалхона область аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Уларда 17700 бемор даволаниши мумкин. Амбулатория поликлиника муассасалари сони 233 тага етди. 855 та фельдшер-акушерлик ҳамда фельдшерлик пунктлари ишлаб турибди.

Шифохоналаримизда медицина ходимларининг катта армияси меҳнат қилмоқда. Врачларнинг ўзи 3344 кишидан ошиб кетди. Шунингдек, 174 та дорихона, 547 та дорихона пункти мавжуд.

Қатор шифобахш корпусларда яхши анъаналар қарор топган. Кўпгина шифохона коллективларида илғор тажрибалар кенг қўлланилмоқда. Ангрен шаҳар касалхонаси, Чирчиқ, Олмалиқ ва Янгийўл шаҳар болалар касалхоналари, Оржоникидзе марказий район поликлиникаси шулар жумласидандир. Янгийўл шаҳридаги юқумли касалликлар шифохонасида, Оққўрғон районидаги санитария-эпидемиология станциясида даволашнинг илғор усулларидан самарали фойдаланилмоқда.

Кейинги йилларда областимизда мураббийлик ҳаракати авж олиб кетди. Бу ишда медицина ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Эндиликда бундай мураббийлардан 900 киши шифохоналарда фаолият кўрсатмоқда. 30 га яқин коллектив «Коммунистик меҳнат коллективи» ҳамда «Юксак маданият коллективи» деган шарафли ном эгасидир. 5 мингга яқин медицина ходимимизга «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган ном берилди.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, дея сўзида давом этди докладчи,— ҳали шифохоналар қурилиши шу куннинг талаблари даражасида эмас. Айниқса, Пискент, Тошкент районларида бу соҳаларда кўп иш қилиниши лозим.

Шифохоналарнинг моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш намунали ихтисослаштирилган медицина хизмати кўрсатишнинг муҳим омилларидан биридир. Шунинг учун ҳам жойларда ихтисослаштирилган медицина хизматини ташкил этиш муҳим вазифадир. Оржоникидзе марказий район касалхонаси, Олмалиқдаги хотинқизлар консультацияси ва бошқа даволаш марказларида бу хил ишлар яхши йўлга қўйилди. Аммо, амбулатория-поликлиникаларнинг моддий-техника базалари кўнгилдагидек эмас. Бу ҳолни Оҳангарон, Коммунистик районларидаги айрим объектлар мисолида кўриш мумкин.

Қатор касалхоналарда ва поликлиникаларда регистрация ишлари ҳам намунали олиб борилмоқда, деб бўлмайди. Беморлар билан яқиндан иш олиб бориш, уларга ўз вақтида тиббий амалий ёрдам кўрсатиш шифохона коллективларининг жанговар ишлари бўлмоғи лозим.

Саноат корхоналарида медицина-санитария қисмларини ташкил этишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Ваҳоланки, областимизнинг бир қатор районларидаги саноат корхоналарида бундай шифохона объектлари ҳанузгача ташкил этилмаган. Ўрта Чирчиқ районидаги кўпгина саноат корхоналари медицина-санитария қисмларига эга эмас.

1979 йил — халқаро болалар йили деб эълон қилинди. Ишларимизнинг соғлом ва бардам бўлиб ўсишлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Медицина ходимларимиз соғлом ёшликни таъминлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Халқаро болалар йили муносабати билан областимизда катта қурилишлар олиб борилади. Ҳар бири 60 кичкинтойга мўлжалланган шифохоналар Чиноз, Пискент районларида қурилади. Шунингдек, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районларида болалар касалхоналари тармоғи янада кенгаяди. Сут маҳсулотлари тайёрлайдиган ошхоналар сони ортади. Ихтисослаштирилган пионер лагерлари очилади.

Шу билан бирга Оҳангарон, Янгийўл, Ғалаба районларида сут маҳсулотлари тайёрлайдиган ошхоналарга эҳтиёж сезилмоқда. Шунинг учун ҳам район партия, совет ташкилотлари бу масалага эътиборни қаратмоқлари лозим.

Стоматология хизматини кенг йўлга қўйиш борасида қилинаётган ишлар ҳам бизни тўла қаноатлантиролмайди. Тўғри, кейинги йилларда Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ районларидаги тиш поликлиникалари ишлари анча яхшиланди. Аммо, бу соҳада ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

«Тез ёрдам» кўрсатиш соғлиқни сақлаш кўзгуси бўлмоғи даркор.

Доклад юзасидан бўлган музокарада сўзга чиққан Олмалиқ шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Ё. Юсупов, Янгийўл районидаги «Жамбул» фельдшер-акушерлик пунктининг мудири Т. Заикина, Янгийўл марказий район дорихонасининг мудири У. Нишоналиев ва бошқа ўртоқлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни юксак талаблар даражасида ташкил этиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Профессор Ш. Хўжаев халқаро болалар йили муносабати билан областда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим тадбирлар ҳақида фикр юритди.

Актив йиғилишида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри С. О. Орипов, Тошкент область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Йиғилишда областнинг барча шифокорларига қарата мурожаат ҳамда 1979 йилги социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

А. АЛИЕВ.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги докладидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошира бориб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун иш сифатини ва самарадорлигини оширишга юзасидан умумхалқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, 1978 йилда 677,4 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирдилар. Бу планда кўзда тутилганидан 17,4 минг тонна кўп. Областнинг барча категориядаги хўжаликлари давлатга 830,4 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари сотдилар, бу социалистик мажбуриятда белгиланганидан 154,4 минг тонна кўпдир. Мамлакатнинг саноат марказларига 255 минг тонна маҳсулот етказиб берилди. Бу соҳадаги план 188,8 процентга бажарилди.

Эришилган бу ютуқлар колхозчилар, совхоз ишчиларининг мардонавор меҳнатларининг, партия ташкилотлари, совет, хўжалик органларининг катта ташкилий ва сиёсий ишлари, ер, сув ресурсларидан, минерал ўғитлардан, гербицидлардан ва бошқа моддий-техник воситалардан самарали фойдаланиш, фан-техника ютуқларини, илғор тажрибани ишлаб чиқаришга янада кенг жорий қилиш натижасидир.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1978 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан районлар, колхозлар, совхозлар ва бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (район партия комитетининг секретари Р. Қ. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Х. Аҳмедов, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари район касаба союз комитетининг раиси С. Исмоилов, район комсомол комитетининг секретари М. Жалилова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ж. Х. Ҳайдаров, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Э. Халилов ўртоқлар) берилди. Бу районда сабзавот етиштириш плани 117,7 процент, мева етиштириш плани 139 процент, узум етиштириш плани 112,5 процент адо этилди. Сабзавот тайёрлаш йиллик ҳажми 147,4 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлаш 117,6 процент, хўл мева тайёрлаш 186,4 процент, узум тайёрлаш 128,3 процент бажарилди. Ҳар гектар майдондан 275 центнердан сабзавот ҳосили олинди.

Калинин райони область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районидаги Гагарин номли совхоз-завод**; — ҳар гектар майдондан 199 центнердан мева, 183 центнердан узум ҳосили олган **Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи**; — ҳар гектар майдондан 258 центнердан узум, 100 центнердан мева ҳосили олган **Оржоникидзе районидаги «Дўрмон» совхоз-заводи**; А. Навоий номли колхоз область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

1978 йилда мева-сабзавот етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш, ҳамда маҳсулот ҳосилдорлигини оширишда эришилган муваффақиятлари учун қуйидагилар область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

— **Тошкент райони.** Бу районда сабзавот етиштириш плани 107,5 процент, мева етиштириш плани 122,5 процент адо этилди. Сабзавот тайёрлаш йиллик ҳажми 130 процент, хўл мева тайёрлаш ҳажми 224 процент, узум тайёрлаш ҳажми 127 процент бажарилди. Ҳар гектар майдондан 252 центнердан сабзавот ҳосили олинди.

— ҳар гектар майдондан 353 центнердан сабзавот ҳосили олган **Бўстонлиқ районидаги Жданов** номли колхоз;

— ҳар гектар майдондан 320 центнердан сабзавот ҳосили олган **Тошкент районидаги К. Маркс** номли колхоз;

— ҳар гектар майдондан 330 центнердан сабзавот, 109 центнердан мева ҳосили олган **Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз**;

— ҳар гектар майдондан 234 центнердан узум, 164 центнердан мева ҳосили олган **Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи**;

— ҳар гектар майдондан 344 центнердан полиз маҳсулотлари олган **Ғалаба районидаги Ленин номли колхоз**;

— ҳар гектар майдондан 112 центнердан мева ҳосили олган **Калинин районидаги Гагарин номли совхоз-завод**;

— ҳар гектар майдондан 199 центнердан мева, 183 центнердан узум ҳосили олган **Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи**;

— ҳар гектар майдондан 258 центнердан узум, 100 центнердан мева ҳосили олган **Оржоникидзе районидаги «Дўрмон» совхоз-заводи**;

Мева-сабзавот маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишда эришган муваффақиятлари учун қуйидаги бригадалар область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозидан:

— ҳар гектар майдондан 368 центнердан сабзавот ҳосили олган Қ. Пайзибеков бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 429 центнердан сабзавот ҳосили олган С. Ибраев бошлиқ бригада;

Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводидан:

— ҳар гектар майдондан 278 центнердан узум ҳосили олган Ф. Қаҳҳорова бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 239 центнердан узум ҳосили олган Ботиршо Умар ўғли бошлиқ бригада;

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА:

«Қорасув» совхозидан

— ҳар гектар майдондан 357 центнердан сабзавот ҳосили олган А. Шерматов бошлиқ бригада;

«Партия XX съезди» колхозидан:

— ҳар гектар майдондан 363 центнердан сабзавот, 151 центнердан картошка ҳосили олган З. Юсупов бошлиқ бригада;

Оржоникидзе номли колхозидан:

— ҳар гектар майдондан 507 центнердан сабзавот ҳосили олган Ю. Рўзиев бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 457 центнердан сабзавот ҳосили олган А. Нуржонов бошлиқ бригада;

«Гагарин» номли совхозидан:

— ҳар гектар майдондан 171 центнердан мева ҳосили олган А. Хусанов бошлиқ бригада;

КОММУНИСТИК РАЙОНИ БЎЙИЧА:

«Верхний Чирчиқ» совхозидан:

— ҳар гектар майдондан 203 центнердан мева ҳосили олган Ш. Шамиров бошлиқ бригада;

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Қибрай» совхоз-заводидан:

— ҳар гектар майдондан 211 центнердан узум ҳосили олган Е. Белих бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 218 центнердан мева ҳосили олган Ю. Еқубов бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 166 центнердан мева ҳосили олган У. Улуғхўжаева бошлиқ бригада;

«Дўрмон» совхоз-заводидан:

— ҳар гектар майдондан 267 центнердан узум ҳосили олган Н. Қўшматов бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 250 центнердан узум ҳосили олган К. Раҳматуллаев бошлиқ бригада;

ТОШКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА

А. Навоий номли колхозидан:

— ҳар гектар майдондан 398 центнердан сабзавот ҳосили олган М. Миртурсунов бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 379 центнердан сабзавот ҳосили олган Ю. Исломов бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 386 центнердан сабзавот ҳосили олган Т. Алимов бошлиқ бригада;

Охунбобоев номли колхозидан:

— ҳар гектар майдондан 400 центнердан сабзавот ҳосили олган Н. Эшонов бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 361 центнердан сабзавот ҳосили олган О. Йўлдошев бошлиқ бригада;

К. Маркс номли колхозидан:

— ҳар гектар майдондан 404 центнердан сабзавот ҳосили олган И. Саъдуллаев бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 473 центнердан сабзавот ҳосили олган П. Мираъзамов бошлиқ бригада;

Ильич номли колхозидан:

— ҳар гектар майдондан 375 центнердан сабзавот ҳосили олган Т. Раҳмонбердиев бошлиқ бригада;

«Ленин йўли» колхозидан;

— ҳар гектар майдондан 355 центнердан сабзавот ҳосили олган О. Қурбонов бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 351 центнердан сабзавот ҳосили олган И. Баҳромов бошлиқ бригада;

С. Раҳимов номли колхозидан:

— ҳар гектар майдондан 361 центнердан сабзавот ҳосили олган В. Юнусов бошлиқ бригада;

— ҳар гектар майдондан 361 центнердан сабзавот ҳосили олган М. Миргиёсов бошлиқ бригада;

ЧИНОЗ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Олмазор» совхоз-заводидан:

— ҳар гектар майдондан 221 центнердан узум ҳосили олган А. А. Мешкова бошлиқ бригада;

Социалистик мусобақа шартларига мувофиқ:

— область план бўлимига мусобақа илғорларига сотиш учун Калинин районига, шу райондаги «Хасково» совхозига, Тошкент районидаги А. Навоий номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди;

— мукофотланган бригада коллективларига Москва шаҳридаги СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига йўлланмалар ажратилади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести, «Сортсемовош» область бирлашмаси, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари эътиборлари шу нарсага қаратилдики, улар картошкачиликни ривожлантириш учун керакли тадбирларни амалга оширмадилар. Бунинг натижасида аксарият колхозлар, совхозлар, районлар 1978 йилда ва умуман беш йилликнинг уч йилида картошка етиштириш бўйича белгиланган планларини бажара олмадилар.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести, «Сортсемовош» бирлашмаси, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорлари асосида 1979 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Бунда асосий эътибор картошкачиликда уруғчилик ишларини тубдан яхшилаш, бу муҳим озиқ-овқат экини ҳосилдорлигини кескин ошириш ва ялпи маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришга қаратилиши лозим.

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

ПОЛЬША АТЛАСИ

ВАРШАВА, 5 февраль. (ТАСС). Польша Фандар академияси география институтининг олимлари Польша атласини нашр этишни ниҳоясига етказдилар. Атлас мамлакатнинг табиий муҳити, ижтимоий, иқтисодий ва демократик ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилувчи 600 та турли масштабдаги картадан, кўпгина диаграммалар ва жадвалдардан иборат.

Бундай атлас Польша тарихида биринчи марта тузилиб, кўп нусхада босмадан чиқарилди.

КОММУНИСТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ТОКИО, 5 февраль. (ТАСС). 4 февраль куни бўлиб ўтган сайловда Япония Компартиясининг саккиз вакили Вакаяма, Нагано, Окаяма, Симоане, Хиого ва Хиросима префектураларида муниципаль мажлисларнинг депутатлари қилиб сайланди. Шу муносабат билан «Акахата» газетаси бундай деб ёзди: Япония Компартияси сайлов кампаниясини кенг халқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилиш, чуқур иқтисодий тушкунликнинг олдини олиш ва ишсизлар армиясини камайтириш юзасидан чоралар кўриш, конституциянинг демократик қоидаларини сақлаб қолиш шиорлари остида олиб борди.

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАНОЙ, 6 февраль. (ТАСС). Вьетнам—Хитой чегарасида Хитой маъмуларининг иғвогарлиги давом этмоқда. Вьетнамнинг ВИА агентлиги хабар беришича, 4 февраль эрталаб Хитойнинг бир неча минг ҳарбий хизматчилари Вьетнам билан чегарадош Ланг-Шон вилоятидаги аҳоли пунктларидан бирининг ёнида ўз территориясидаги тепаликка жойлашиб олди. 200 га яқин қуролланган Хитой солдатлари шу тепаликда ўрнатилган тўплар ва пулеметлар ҳимояси остида чегарадан ўтдилар ва ВСР территориясига кирдилар. Улар чегара устунларини кўчириб қўйишга уриндилар.

Вьетнам қуролли кучлари чегарани бузувчиларга муносиб зарба бериб, уларни ВСР территориясини ташлаб кетишга мажбур этдилар.

Ўша вилоятда чегаранинг бошқа бир участкасида юзга яқин Хитой ҳарбий хизматчилари чегарани бузиб, Вьетнам территориясини миналаштиришга уриндилар.

Бундай иғвогарлик ҳаракатлари чегара районида кескинликни кучайтиради ва бу ерда нормал турмушга ҳалақит беради, деб уқтирилади ВИА хабарида.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕЙ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЭРОНДАГИ ҲАЯЖОНЛИ ВАЗИЯТ

НЬЮ-ЙОРК, 5 февраль. (ТАСС). Эрон пойтахтида бўрон олдидан чўкадиган жимликни элатувчи ҳаяжонли осойишталик вазияти ҳукм сурмоқда. Шоҳга қарши оятилло Ҳумайни бошчилигидаги сиёсий-диний оппозиция «муваққат ҳукумат» тузишга ҳозирлик кўрмоқда. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар қилишича, бу ҳукуматнинг состави яқин кунларда-ёқ эълон қилинади. Айни вақтда шоҳ томонидан ҳокимият тепасига чиқариб қўйилган Бахтиёр ҳукумати истеъфо бериш тўғрисидаги ҳамма талабларга рад жавобини бериб, оппозиция билан балолар ёғдириш билан дўқ қилмоқда. «Вашингтон пост» газетасининг уқтиришича, Бахтиёр: «Башарти оятилло сўздан ҳаракатга ўтадиган бўлса, кўнгилсиз воқеалар бошланади» деб айтган.

Шоҳ режими тарафдорлари орасида экстремист унсурлар жазава билан ҳаракат қилмоқдалар. ЮПИ агентлигининг хабар қилишича, улар оппозициянинг бир қанча активларини ўлдириш режаларини тузмоқдалар. «Конституция жангчиларининг яширин ташкилоти» деб аталган гуруҳ: Ҳумайни ҳукуматига киришга рози бўлган ҳар қандай зотни, шунингдек ёки Ҳумайнининг талаби билан депутатлик мандатидан воз кечган парламент аъзоларини қириб ташлаймиз, деб эълон қилди.

Чамаси, ҳозирги босқичда оппозиция армияни холис қолдиришга, армия сафларида ўз таъсирини янада кучайтиришга умид боғламоқда. ЮПИ агентлигининг ҳисоб-китобларига қараганда, Эрон армияси шахсий составининг 60 процентдан 80 процентгача бўлган қисми ҳозир Ҳумайнини қўллаб-қувватламоқда, бироқ армиянинг юқори табақаси шоҳга содиқ бўлиб турибди ва монархия сақлаб қолиниши учун қатъият билан ҳаракат қилмоқда. Энди генераллар солдатларга ишонмайдилар ва улар орасидаги «бадкорлар»ни гумдон қилишга уриниб, халқ билан бирдам бўлаётган ҳарбий хизматчиларни аниқлаб, қамоққа олаверадилар. Кейинги кунларда, жумладан, Теҳрон, Исфаҳон ва Ҳамадондаги ҳарбий ҳаво базаларида солдатлар қамоққа олинди.

Шу бедодликка қарши норозилик белгиси сифатида Эрон учувчилари қариндош—уруғларидан 1500 га яқин киши аллия министри биноси теварагида ўтириб олиб, намойиш ўтказдилар. Уларнинг ҳузурида нутқ сўзлаган учувчи ўзининг Исфаҳондаги икки минг ўртоғи номидан шоҳга қарши ҳаракатни қўллаб-қувватлади. Қамоққа олишларга қарамай ҳарбий бўлинмаларда намойишлар, очлик эълон қилишлар ва халқ билан бирдамлик митингларида давом этмоқда. Ҳарбий ҳаво кучларининг ўзидаги ана шундай намойиш ва митингларда 10 мингдан ортиқ учувчи, аэродромларнинг техник ходимлари ва хизматчилари қатнашди.

Теҳрондаги «Иттилоот» газетасининг хабар қилишича, ўтган ҳафтада маъмурларнинг буйруғи билан қилинган хунрезликка қарши бош министр маҳкамасининг кадрлар бўлими бошлиғи ва Бахтиёр шахсий котибидан ташқари барча 400 хизматчиси норозилик забастовкаси эълон қилди. Ташқи савдо министрлигида 100 хизматчи иш ташлади.

ВАШИНГТОН, 5 февраль. (ТАСС). АҚШ Марказий разведка бошқармасининг директори С. Тэрнер телевидение орқали гапириб, унинг маҳкамаси Эронда актив иш олиб бораётганини ва натижада АҚШ «Эрондаги воқеалар тўғрисида жуда яхши ахборот олиб турганини» айтди. «Биз сиёсий қарорлар қабул қиладиган раҳбарларимизни ғоят сифатли ахборот билан таъминлашга қодирмиз» деб таъкидлади у.

Вашингтондаги «Каунтерспай» журнали бундай деб ёзади: марказий разведка бошқармаси АҚШнинг ҳарбий разведкаси билан бирга Эронда шоҳга ҳокимиятни қайтариб олиб бериш учун тўнтариш тайёрламоқда. Эронда оммавий ғалаёнлар бошлангандан кейин, АҚШ Американинг Теҳрондаги элчихонасига ўз агентларини кўплаб юборди. Ҳозирги вақтда элчихона ходимларининг чамаси 67 процента бевосита АҚШ махсус маҳкамаларининг вакилларидир. АҚШ разведкаси фитна тайёрлашда Эрон гражданлари орасидан Қўшма Штатларда махсус тайёрланган ўз агентларидан актив фойдаланмоқда.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Польшанинг Хрубешув шаҳри районида совет чегарасидан «Катовице» металлургия комбинатигача темир йўл магистралининг қурилиши СССР билан Польша ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганлигининг ёрқин намунасидир. Шу тариқа Кривой Рог рудаси билан ортилган совет темир йўл составлари «Катовице» комбинатига йўл олиб, у ердан мамлакатимизга олтингугурт, кокс, кўмир олиб келадиган бўлади. Суратда: темир йўл магистрали участкаларидан бири —Санок дарёси устидаги кўприк қурилишида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ТЕАТР ЮБИЛЕЙИГА

МУҚИМИЙ номидаги музикали драма ва комедия театри коллективи бу йил юбилей мавсумни бошлайдилар. Бундан 40 йил муқаддам биринчи марта театр саҳнасидан парда кўтарилиб, артистлар ўз санъатларини, маҳоратларини намойиш этган эдилар.

Ўтган йиллар давомида театр ижодий коллективи ҳар томонлама камол топди. Қўйиладиган асарлар бадиий, ғоявий, эстетик жиҳатдан бирмунча такомиллашди. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда театр коллективининг ҳиссаси жуда катта бўлмоқда. Шу йиллар мобайнида бир қанча етук санъаткорлар етишиб чиқди.

Янги мавсумга театр коллективи жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбек совет ёзувчиларининг бир қанча асарлари саҳналаштирилмоқда. Улар орасида драматургларидан Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла, Ж. Жабборовларнинг янги асарлари бор. Шунингдек, ижодий коллектив Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейига бағишлаб, унинг «Паранжи сирлари» асарини қайта саҳналаштиради.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» почтасидан

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

КИШИ ҳаётида ўзи ва коллективи босиб ўтган йўлни сарҳисоб қиладиган, ён атрофдаги ўзгаришларни бир-бир ёдига оладиган кунлар бўлади. Бу кунлар сарҳисоби одамни турмушга зийракроқ қарашга, олдиндаги вазифаларни бажариш учун кўпроқ куч-ғайрат сарфлашга даъват этади. Яқинда мен газеталардан 1979 йилнинг март ойида СССР Олий Советига сайловлар ўтказилиши ҳақидаги хабарни ўқиб, қишлоғимиздаги, қолаверса, районимиздаги катта ўзгаришларни кўз ўнгимдан ўтказдим, уларнинг сабабларини изладим.

Кейинги йилларда районимиз ишлаб чиқариши жадал ривожланди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Фақатгина сўнгги уч йил мобайнида давлатга пландагидан 89 минг тонна кўп сабзавот етказиб берилди. Гектарлар ҳосилдорлиги 1975 йилга қараганда 70 центнерданга ошди. Беш йилликнинг биринчи йилида ҳар бош сигирдан 2850 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, 1978 йилда ушбу кўрсаткич қарийб 3600 килограммга етди. Бу рақамлар замирида колхозчилар ва совхозлар ишчиларининг фидокорона меҳнати, жойлардаги партия ташкилотларининг активлиги ва албатта, районимиздаги мавжуд икки посёлка ва тўққиз қишлоқ Советлари ижроия комитетлари, уларнинг доимий комиссия ва депутатларининг арзирли ҳиссаси бор. Маҳаллий Советлар эндиликда ишлаб чиқариш масалалари билан чуқурроқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Уларнинг вазифа ва бурчлари кенгайди.

КПСС XXV съездида ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деди: «Ҳозирги вақтда Советлар депутатларининг ташаббуси билан кўпгина муҳим масалалар қўйилмоқда ва ҳал этилмоқда. Шуни очиқ айтиш керакки, депутатларнинг сайловчилар берган наказларга асосланиб киритаётган таклифлари халқимизнинг, бутун ҳаётимизнинг талаблари ва эҳтиёжларини акс эттирмоқда».

Мен меҳнат қилаётган «Партия XX съезди» ва қўшни «Москва» колхозлари жойлашган Қатортол қишлоқ Советининг ижроия комитетини олайлик. Қишлоқ Совети сессиялари ва йиғилишларида деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш сингари масалаларни кўриб туриш одат тусига

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

кириб қолди. Ана шу сингарилар ҳақида депутатлар, доимий комиссия раисларининг ҳисоботлари тинглаб турилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки қанча кўп қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилса, колхозлар экономикаси шунчалик кўпроқ мустаҳкамланиши, бу эса қишлоқларнинг обод ва кўркам бўлиши, халқ фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилишини биз яхши тушунамиз. Қишлоқ Совети депутатлари орасида ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий жонкуярлари оз эмас. Чунончи, «Москва» колхозидан П. Нурматов, Р. Ҳомиджонов, А. Раҳимов, «Партия XX съезди» колхозидан З. Юсупов, С. Зуфарова, Б. Жонбўсинова кабилар кўпчилик ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган халқ депутатларидир.

Мен кўп йиллардан бери соғувчилик қиламан. Йил сайин сигирлардан мўл сут соғиб олиш учун курашяпман. 1978 йилда ҳар бош сигирдан 3500 килограммдан сут етиштириб планимни бажардим. Умуман, колхозимиз чорвадорлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида қарийб 450 тонна сут топширишди. Бу, 1977 йилга қараганда анча кўпдир.

Ҳамкасбларим, бутун районимиз меҳнаткашларининг фидокорликлари сайловдан сайловгача бўлган катта ўзгаришларда ўз аксини топган. Узоққа бормай, қишлоғимизни олайлик. Колхозимиз правлениеси янги биноси, боғча қуриб битказилди. Мактаб қуриляпти. Дала шийпонлари кўпайиб, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшиланяпти. Хонадонлар замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг кўпчилиги сайловчиларнинг наказлари асосида бажарилган.

Районимиз маркази Калинин посёлкасида СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи округ тузилганлигини зўр ҳурсандчилик билан кутиб олдик. Бу ерда ҳам қисқа вақт ичида катта ўзгаришлар содир бўлди. Бирор эҳтиёж учун шаҳарга боришнинг кераги йўқ. Савдо маркази, маиший хизмат кўрсатиш уйи, боғча-ясли ва бошқа муассасалар аҳоли ихтиёрида. Районда фақат кейинги уч йил ичида 21394 квадрат метр турар жой, 4861 ўринга эга мактаблар, 270 ўринли болалар боғчалари, 350 ўринли санъат саройи сингари объектлар фойдаланишга топширилди. Ҳозир район марказида 400 ўринли қишки кинотеатр, дорихона қурилмоқда. Парк, алоқа уйи барпо этиш режалаштирилган.

Мен СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловга қизғин тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда ана шулар ҳақида ўйладим. Сайловдан сайловгача бўлган йиллар фидокорона меҳнат даври, халқ турмуш фаровонлигини ошириш даври бўлганини чуқур ҳис этдим.

Мариям ТУРЛИБЕКОВА,
халқ депутатлари Калинин район Советининг депутати.

БАРЧА КИТОБХОН

ХАЛҚИМИЗ китобни эъзозлаб, уни офтобга қиёс қилади. Савод чиқаришимиз, касб-ҳунар эгаллашимиз, олам сирларидан хабардор бўлишимиз шу китоб туфайлидир. Донишмандлар китобни билим хазинасидаги дурга, инсон қалбини ёритувчи нурга қиёс қилганлар.

Область китобсеварлар жамияти ташкил топгандан буён қарийб уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу қисқа вақт ичида китобхонлар кўнгилли жамияти ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ўсди. Унинг коллектив ва якка аъзолари сони ошди. Китобсеварлар сони ўтган йили 1976 йилга нисбатан 8 марта ошиб, 89 ташкилот коллектив аъзолар сафидан ўрин олган бўлса, шу кунга келиб, 137 дан ошиқ колхоз-совхоз, саноат, қурилиш ва транспорт ташкилотлари жамиятга коллектив қилиб қабул этилди. 300 бошланғич ташкилот тузилиб, таниқли адиблар, шоирлар, фан ва адабиёт вакиллари билан 400 дан кўпроқ учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, жойларда 317 та ёшлар секцияси мунтазам ишлаб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, область китобхонлар кўнгилли жамиятининг шаҳар ва район бўлимларининг фаолияти кейинги пайтларда анча активлашди. Бу борада, айниқса, Бекобод, Олмалиқ, Ангрен шаҳарларида, Коммунистик ва бошқа қатор районларда китоб пропагандасини яхшилашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Жамият правлениеси аъзолигига китоб ишлари билан шуғулланувчи кўпни кўрган, тажрибали, ташаббускор китоб ишқибозлари танланган. Бошланғич ташкилотлар жамият олдида турган олижаноб мақсадларни омма ўртасида кенг тушунтириш ва тарғиб қилиши учун барча имкониятлар яратилган. Жамиятнинг аниқ иш плани тузилган. Планни бажариш юзасидан эса қаттиқ назорат ўрнатилган. Шу боисдан ҳам бошланғич ташкилотларда китобсеварлар клублари, жамоат кутубхоналари, халқ китоб магазинларининг тармоғи йилдан-йилга кенгаймоқда. Кейинги пайтларда жамоатчилик асосида ишловчи китоб магазинлари бирмунча кўпайди. Чунончи шундай магазинлардан бири Ангрен кўмир разрезида ташкил этилди. Жамоатчи сотувчилар китобларни кончилар ҳузурига олиб келмоқда. Олмалиқ шаҳрида эса сиёсий адабиётлар билан савдо қилувчи янги магазин ишга тушди. Умуман ҳозирги кунда областда китоб тарқатувчилардан 768 киши жўшқин фаолият кўрсатмоқда. Область шаҳарларида 17 та халқ китоб магазини ва киоскаси ишлаб турибди.

Областда китоб тарқатиш ва уни кенг миқёсда пропаганда қилиш ишлари тубдан ўзгарди. Олмалиқ шаҳридаги қўрғошин бойитиш фабрикасида, Ангрен шаҳрида «Китоб бизнинг яқин дўстимиз ва маслаҳатчимиз», Тошкент район фидойиларини шарафлашга бағишланган «Мушоира даврасиi» сингари область ва район байрамлари юксак савияда ўтказилди.

Шунингдек, Оҳангарон районидаги 145-ҳунар-техника билим юртида, Н. Терешкова номли 15-, 42-мактабларда, Ворошилов номли совхозда ва бошқа жойларда «Китоб менинг ҳаётимда» мавзуларидаги Ўзбекистон ССР халқ шоирлари, ёзувчилари, Ленин комсомоли ҳамда Ҳамза мукофоти лауреатлари, фан ва санъат арбоблари, олим ва профессорлар билан мушоира кечалари уюштирилди. Улуғ рус шоири А. С. Пушкин ижодининг ўзбек совет адабиётига таъсири, жаҳон адабиётининг энг буюк адибларидан бири Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига бағишланган бир қанча учрашув кечалари, инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-назарий китобхонлар конференциялари ниҳоятда сермазмун ва қизиқарли ўтди.

Ангрен шаҳрида ўтказилган илмий-амалий конференция эса ҳуқуқ билимлари ва адабиётлар пропагандаси масалаларига бағишланди. Ўзбекистон КП Ангрен шаҳар комитети ва китобсеварлар кўнгилли жамияти область бўлими ташаббуси билан амалга оширилган бу тадбир китобхонларда катта қизиқиш уйғотди.

Конференцияда Ангрен шаҳри китоб пропагандаси билан шуғулланувчи ташкилотларнинг шу кунларда қилаётган ибратли ишлари оммалаштирилди. Кўпгина сўзга чиққан ўртоқлар ёшлар тарбиясида китобнинг роли ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Конференцияда ҳуқуқ билимларига оид адабиётлар пропагандасини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Т. СУЛТОНОВ,
область китобсеварлар жамиятининг ходими, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Манзарали дарахт кўчатлари етиштиришга ихтисослашган совхознинг 3-участкаси боғбонлари «Тошкент гуллари» фирмасини турли-туман гуллар билан таъминламоқдалар. Ҳар куни бу ердан савдо дўконларига минглаб туп гул кўчатлари жўнатилиб турилади. Суратда: гулчилардан Т. Шевченко ва В. Дряглиналар тувакчаларга ўтқазилган гулларни парвариш қилишмоқда.

В. Таран фотолари.

ДЎСТЛИК УРУҒЛАРИ

МУЗЛИКДА «НАВРЎЗ» ҚОВУНИ

ЎТГАН йилнинг 11 октябрида Москвадан эшиттирилган «Земля и люди» радиожурналининг навбатдаги сони кўпларни мафтун этди. Бу сонда Ўзбекистон халқ селекционери Ўринбой Каримшоевнинг ҳар қандай оғир шароитда энг эртаги полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги илмий-ижодий ишлари ва тажрибалари ҳикоя қилинди. Тошкент область Калинин районидаги «Хасково» совхозининг мичуринчи селекционери Ўринбой аканинг шимолий зоналарда етишаверадиган полиз ва сабзаавот навлари катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга эканлиги баён этилди.

Орадан бироз ўтгач, яъни 4 ноябрда яна ўша эшиттириш такрорланди.

Диктор кириш сўзида редакцияга келган жуда кўп хатларда журналнинг 11 октябрь сонини такрор эшиттириш, селекционернинг адресини билдириш сўралганлигини айтди.

Шундан кейин Ўринбой ака адресига Улуғ Ватанимизнинг ҳамма томонидан хатлар кела бошлади. Селекционер ўтган йилнинг сўнгги кунида 1088 та хат олди. Уларнинг аксарияти Урал, Сибирь, Тюмень, Якутия, Воркута, Хабаровск, Магадан, Камчатка, Омск, Барнаул, Целиноград, Олтой ўлкаларидан. Шунингдек, Болтиқбўйи республикалари, Закарпатье, Украина, Қозоғистон республикалари ва РСФСРнинг узоқ областларидан, автоном республикалардан келган. Уларда кўп илиқ сўзлар ва истаклар ёзилган. Мана, хатлардан бир-икки намуна.

«Бутуниттифоқ радиоси эшиттириши орқали Сизнинг кўп йил сабот ва матонат билан ижодий меҳнат қилиб, Узоқ Шимолий зоналарда ўстириш мумкин бўлган янги қовун ва тарвуз навлари етиштирганингизни эшитиб жуда қувондик. Сизнинг янги нав қовун-тарвузларингизни Камчаткамиз шароитида ўстириб кўриш учун жуда қизиқиб қолдик. Яқинда ташкил этилган теплицамизда помидор, бодринг, бақлажон экинларини ўстириб анча яхши натижаларга эришмоқдамиз. Самимий истагимизни қабул этиб, янги қовун навингиз уруғидан юборсангиз, жуда миннатдор бўлардик.

Коллектив номидан — Ю. А. АРБИЖЕР, «Камчатка» давлат қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси пропаганда бўлими бошлиғи».

«Сизнинг кўп йиллик самарали ишингиз якунларини «Земля и люди» радиожурнали орқали икки бор эшитдик. Кўпдан буён тажриба станциясида ишлаётганимиз учун Сизнинг ижодий селекцион ишингиз нақадар мураккаб ва матонатли, аммо ғоят фахрли иш эканини яхши тушунамиз. Сиз билан ҳамкорлик қилиш орзусидамиз. Сизга мурожаат қилиб, «Наврўз» навли янги қовунингиз уруғидан юборишингизни сўраймиз.

Белгород қишлоқ хўжалик тажриба станцияси деҳқончилик бўлими коллективи номидан М. Баранова, Л. Переволоцкая, З. Буть, Б. Тарасова, М. Денисенко, И. Шарипова».

Владивостоклик пенсионер — ҳаваскор сабзавотчи Н. Кривленко, Псков областидаги «Псковский» совхозининг директори Н. Семенов, Олтой ўлкаси, Петропавловский районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилоти секретари Г. Перелетов, Чувашистон АССРнинг Алатир шаҳридан ҳаваскор полизчи М. Семенов, Амур область Благовещенский қишлоқ хўжалик институтидан Н. Сидоренко, Якутия АССР шаҳридан В. Т. Сапожникова, Кемеровский районидаги уруғчилик тажриба станцияси агрономи Н. Анисимова ва бошқалар Ўринбой акага йўллаган хатларида унга зўр миннатдорчилик изҳор этиб, уруғлардан юборишини илтимос қилишган.

Хатларнинг каттагина қисми Бутуниттифоқ деҳқончилик институтига қарашли жойлардаги филиаллар, қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтлари, селекция тажриба станциялари ва муассасалари, совхоз ва колхозлардан келган. Уларда совуқ иқлимли минтақаларда тезпишар янги навларнинг яратилиши катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга эканлиги таъкидланади.

Хат авторлари Узоқ Шимол зоналарда қандай қилиб узум, олма, анжир, мандарин ҳамда сабзавот экинлари етиштириш устида сабот ва матонат билан олиб бораётган иш натижалари ҳақида ёзиб юборганлар.

Эндиликда совуқ музлик ўлкаларда ҳам «Наврўз» нав қовун ва «Кўклам қўзивойи» тарвузларини март ойидаёқ пишириб олиш мумкин. Шунинг учун Ўринбой ака яратган уруғлар дўстлик, ҳамкорлик уруғига айланиб кетди.

Хатлар оқими меҳнаткаш селекционеримиз кучига-куч қўшмоқда. Айрим мактублар ичида келган хат авторларининг суратлари ва иш жараёнига тааллуқли расмлар донгдор сабзавоткор ва полизкорнинг альбомларини безаб, архивини бойитмоқда.

Ўринбой ака яратган полиз ва сабзавот навларининг шартли номлари бор. Масалан, янги нав қовун «Ғалаба», «Май», «Хасково» ва «Наврўз», тарвузлар эса «Ўзбекистон чиллакиси», «Кўкламги қўзивой», помидор эса «Назарбек», бодринг «Дўстлик», чучук қалампир «Соявоний», «Хушбўй» деб аталади.

Ўринбой ака яратган помидорнинг ҳар донаси бир-бир ярим килограмм, ҳатто ундан ҳам вазминроқ тош босадиган йирик, худди узум бошига ўхшаб етиладиган майда ва бошқа хиллари бор. Бодрингнинг ҳам шунга ўхшаш навлари кўп.

Селекционер Ўринбой ака ўзига келган 960 та хатга жавоб ёзиб, сўраган уруғларни юборди. Унинг кичик даласи, «Хасково» совхозидаги пленкали теплицасида етиштирилган уруғлар бутун мамлакатимизга, хусусан, Узоқ Шимолий районларга тез ёйилмоқда, у ерларда ёз ноз-неъматлари етиштиришга йўл очмоқда.

Ориф АЮПОВ,
республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

ҒАМХЎРЛИКДАН ХУРСАНДМИЗ

ЯҚИНДА матбуотда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Улуғ Ватан уруши иштирокчиларининг моддий фаровонлигини яхшилаш учун қўшимча имкониятлар яратиш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Бу районимизда истиқомат қилувчи уруш қатнашчиларига ҳам катта маънавий озуқа берди. Улар партия ва ҳукуматимизнинг бу беқиёс ғамхўрлигига жавобан меҳнат фронтида ҳам имкони борича ўрнак кўрсатишга аҳд қилишди.

Мен уруш йилларида Ленинградни қамалдан озод қилиш, Минск шаҳри учун бўлган жангларда қатнашдим. Сафдошларим билан Болтиқ бўйида немис-фашистларга қарши жанг қилдим. Шу йилларда «Қизил Юлдуз» ордени, «Жасурлиги учун» медали ва бошқа мукофотлар билан тақдирландим.

Ғалабадан сўнг ўз қадрдон қишлоғимга қайтиб келиб, Оққўрғон районидаги Ленин номли 9-ўрта мактабда меҳнат қила бошладим. Бу соҳадаги меҳнатларим учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланганман.

Юқоридаги қарор партия ва ҳукуматимиздан миннатдорчилигимни янада кучайтириб юборди. Бу имтиёзлар биз кекса авлод вакилларини коммунистик жамият қуриш йўлида бундан кейин ҳам янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлашга даъват этади.

М. МУСАКОВ,
Улуғ Ватан уруши иштирокчиси.

МАКТАБ ПАРТАСИ ПИШИҚ БЎЛАДИ

Тошкентдаги тажриба-техника заводи мактаб парталари учун метал каркаслар ишлаб чиқара бошлади. Мактаб анжомларини ишлаб чиқариш учун ихтисослашган Урганч ва Қўқон мебель фабрикаларига ёрдамчи материаллар учун бу ердан ҳар йили ўнлаб тонна металл жўнатиладиган бўлади. Бу янгилик буюмларнинг сифатини яхшилайди — парталар енгил, кўркам ва анча пишиқ бўлади, шунингдек юзлаб кубометр ёғочни тежаб қолиш имконини беради.

А. МИРЗАЕВ,
жамоатчи мухбир.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ҲАЛОЛЛИК

ТОШКЕНТ Давлат университети математика факультети кечки бўлимининг 5-курс студенти Қадам Юсуповнинг бугун кайфияти яхши эди. Имтиҳон кетаётган хона олдида студентларнинг айримлари навбат кутишаётган бўлса, айримлари ичкаридан чиқиб бир-бирларини муваффақиятли ўтганликлари билан табриклашмоқда. Қадам ҳам имтиҳонга яхши тайёргарлик кўрган. Юқори баҳо олишидан кўнгли тўқ.

Навбат яқинлашгач имтиҳон дафтарчасини тайёрлаб қўйиш учун чўнтагига қўл солди. Э, воҳ... чўнтак бўш эди. Имтиҳон дафтарчаси йўқ.

Эрталаб шошиб келаётганида тушириб қолдирган бўлса керак. Лекин, шундай гавжум студентлар шаҳарчасида шунча ҳужжат ерга тушади-ю, ҳеч ким кўрмаслиги мумкин эмас. Имтиҳонга ҳам кирмай ҳужжатларни қидира бошлади. Эртасига эрталаб ётоқхона фарроши уни кимдир сўраётганини айтди.

Тошкент халқ хўжалик институти қишлоқ хўжалик факультетининг 3-курс студенти Рашид Саломов ўша куни эрталаб студентлар шаҳарчасидан кетаётганида тасодифан йўл четида сочилиб ётган қоғозларни кўриб, уларни йиғиштириб олди.

Аълочи студент комсомол аъзоси Рашид Саломов эртасига Қадам Юсуповни излаб топиб, унга йўқотиб қўйган ҳужжатларини ва 150 сўм пулини топширди.

Р. ҲАСАНОВ,
Б. ҚОСИМОВ,
ТошДУ студентлари.

ҚУРУҚ ВАЪДА

ЯНГИЙЎЛ район «Коммунизм» колхозининг Фрунзе участкасида 500 га яқин хонадонда меҳнаткашлар истиқомат қилади. Бундан ташқари колхознинг трактор парки, автомобиль парки, омборхона, сут-товар фермаси ҳам шу участкада жойлашган. Илгариги колхознинг Стаханов участкасида жойлашган алоқа бўлими аҳолининг талаби билан бу ерга кўчириб келинганига ҳам ҳадемай бир йил бўлади. Бу алоқа бўлимига шу кунгача телефон ўрнатилмаганига ҳайронмиз. Телефон кишиларнинг узоғини яқин қилишга хизмат кўрсатадиган воситалардан бири ҳисобланади.

Лекин район алоқа узелининг бошлиғи ўртоқ Ш. Шониятовга бунинг алоқаси йўққа ўхшайди. У район газетасида «Алоқа хизмати яхшиланади» мақоласи билан қатнашиб, райондаги алоқа бўлимлари, телефонлар тўғрисидаги ютуқ-камчиликлар ҳақида гапириб ўтган-у, аммо «Коммунизм» колхозидаги алоқа бўлимида нима учун телефон йўқлиги ва айрим бригадалардаги телефонларнинг ишламай, миқ этмай ётиши ҳақида индамай ўтишни афзал кўрган. Алоқа бўлимига кўплаб кишилар мамлакатимизнинг турли ерларида меҳнат қилаётган қариндош-уруғлари, ўғил-қизлари билан гаплашсак деб келишади. Алоқа бўлими мудири М. Аҳмедов эса уларга нима билан гаплашасиз, телефонимиз йўқ дейишдан нарига ўтмайди. Афсуски, бу масала бир йилдан бери район узелидан телефон ўрнатиш ҳақида ёзилган хатларда «Яқинда телефон бўлади» деган қуруқ ваъдадан нарига ўтолмаяпти. Билмадик, бу ҳол қачонгача давом этади.

В. БОБОХОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг штатсиз мухбири.

Ташвишли сигнал

БУ МУАММОЛАР ҚАЧОН ҲАЛ БЎЛАДИ?

1978 йил энг оғир йил бўлди. Пахтачилик тарихида бундай ноқулай, оғир йил бўлганини билмаймиз. Лекин, шунга қарамай районимиз меҳнаткашлари юз берган қийинчиликни енгдилар. Йилни ғалаба билан якунладилар. Бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам чигитнинг қайта-қайта экилишига қарамай халқ хўжалик планини бажардилар. 1977 йилга нисбатан ҳосилдорлик 3,5 центнерга ошди.

Шунингдек, Ҳасабоев, Турғунбоев, Қаршибоевлар бошлиқ илғор бригадаларда ҳар гектар ердан 32—36 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Колхозимизда ҳам илгаригига нисбатан қисман олдинга қараб силжиш бор. Масалан, тўққизинчи беш йилликнинг уч йилида давлатга 11068 тонна пахта сотилган бўлса, ўнинчи беш йилликнинг уч йилида 12069 тонна пахта сотилди. Лекин, бу даража ҳеч кимни қаноатлантира олмайди. Бунинг сабаби кўп. 1978 йилнинг 3 июнида ёққан дўлдан 865 гектар пахта майдони зарарланди. 115 гектарга чигит тўла қайта экилди.

Колхозимиз кейинги уч йилда халқ хўжалик планига нисбатан давлатга 561 тонна кам пахта топшириб давлатдан қарздор бўлиб қолди. Бунга фақат об-ҳавонинг ноқулай келишигина эмас, техника воситаларидан, минерал ва маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланилмаётгани, ерларнинг мелиоратив аҳволи яхши эмаслиги, пахта майдонлари тўла эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бу проблемаларни колхоз правлениеси тўла ҳал қилишга қодир эмас. Масалан, 1978 йилда 3-ПМК колхозимиздаги зовурларни ўз вақтида тозаламаганлиги учун пахта майдонларидан зах чиқиб кетди. Кейин эса ПМК ходимлари бир қанча экин майдонларини бузиб зовур тозалашга киришдилар. Бу эса ҳосилдорликка салбий таъсир қилди.

Колхозимизда пахта майдони тўлиқ эмас, шунинг учун 170 гектар лалмикор ерга сув чиқарилиши зарур. Лекин, бу ишга ҳали киришилгани йўқ.

1974 йилда яхши ният билан 400 бош сигир сиғадиган чорвачилик комплекси қурила бошлаган эди. Лекин, бу қурилиш ҳамон битмай чўзилиб келаяпти. Чорвачилик комплекси эски ферма базасида қурила бошлангани учун 200 бош сигир очиқ ҳавода қишлаяпти. Бу эса чорва маҳсулотини камайиб кетишига олиб келмоқда. Бундан ташқари қурилиш ташкилотлари билан уч йил илгари 11 участкада 300 ўринли ёзги кино-театр биноси қуриш тўғрисида шартнома тузилган эди. Бироқ бу бино ҳамон фойдаланишга топширилгани йўқ.

Қишлоғимиз йилдан йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бироқ илгари бош план бўлмаган вақтда ўрнатилган симёғочлар кўчанинг ўртасида қолиб кетди. Улар ҳам эскириб кетган. Натижада хонадонларда радио ва телевизордан фойдаланиб бўлмай қолди. Биз алоқадор ташкилотлардан колхозимиздаги юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга, ҳал бўлмаган проблемаларни ҳал қилишда ёрдам беришларини илтимос қиламиз. Чунки колхозимиз меҳнаткашлари 1979 йилда барча пахта майдонларида ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш, ўтган йиллардаги қарзларидан узилиш, турмуш фаровонлигини ошириш, маиший шароитларини янада яхшилашга аҳд қилганлар.

А. АБДУКАРИМОВ,
Пискент районидаги Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи.

БОСИЛМАГАН ХАТЛАР ИЗИДАН

ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

Сергели районидан келган бир хатда райпишчеторгга қарашли 5-магазинда содир бўлаётган айрим камчиликлар ҳақида ёзилган эди.

Шу хатни текшириш учун Сергели район ички ишлар бўлимига юборилган эди. Яқинда район ички ишлар бўлимидан милиция подполковниги ўртоқ В. И. Дачевич редакцияга текшириш натижаларини хабар қилди: унда айтилишича шу магазиннинг сотувчиси Яхшигул Алимқулова текшириш вақтида харидор А. А. Прокопенко ва А. А. Дробишевадан белгиланган нархдан 2 сўм 7 тийин ортиқча олган. Бундан ташқари магазин омборхонаси текширилганда 1063 шиша «Экстра» ароғи ва 458 пачка «Опал» сигарети яшириб қўйилганлиги маълум бўлди.

Сергели райпишчеторгига қарашли 5-магазин сотувчиси Яхшигул Алимқулованинг кингир ишлари фош бўлиб, унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

КЎНГИЛ

Наримон ОРИФЖОНОВ.

Охирги рейс билан учган «ЯК-40» Фарғонага қош қорайганда қўнди. Жасур аэропортда бир оз ўйланиб турди-да, шаҳарга бориб, меҳмонхона маъмуриятига жой сўраб, эланиб ўтиришни ўзига эп кўрмай, таксига ўтириб, чапга — шаҳарга эмас, ўнгга — Водилга қараб юришни шофердан илтимос қилди. Нияти ўша куни номаълум қабр ҳақида гапириб берган фарғоналик ўртоғи Сотволдиникига бориб, отамлашиб ётиш эди.

Жасур Сотволдини политехника институтидан танийди. У қурилиш факультетида ўқирди. Камтар ва камгап, ўқиши ва ота-онасидан бошқа тащвиши бўлмаган бу йигитга институтдаги кўпларнинг ҳаваси келарди. Чунки, у, ширинсуҳанлиги, хушмуомалалиги билан бир гаплашган одамни сеҳрлаб қўяр, ўзидан катталар уёқда турсин, икки-уч ёш кичиналарни ҳам «сиз»сираб ким нимани сўраса, эринмай тушунтириб берарди. «Сотволдидан сотволди» деган ҳазил пайдо бўлганда, аввал институтдагилардан кўпчилик тушунмай юрди. Кейин маълум бўлишича, студентлар қийин мавзуларни, мураккаб чизмаларни Сотволдидан сўраб, баъзилари кўчириб олишаркан. Ўртоқлари унга қараб: «Сотволдидан сотиб олди» дейишларининг маъноси шу экан.

Сотволди институтни тугатиб, Фарғонага йўлланма олганидан Жасурнинг хабари бор эди-ю, лекин қаерда ишлашини билмасди. Тошкентда учрашганларида у олдин область қишлоқ қурилишида инженер бўлиб хизмат қилганини, кейинчалик кекса ота-онасининг ҳоҳиши билан районга ишга ўтганини, ҳозир ўзи туғилиб ўсган Водилда эканини айтиб, «Агар Фарғонага йўлинг тушиб қолса, тўғри бизникига боравер, бир отамлашамиз», деб адресини берган эди.

Ҳозир таксичи «Ҳали мени қишлоқма-қишлоқ сарсон қилмасайди?» деган ўй билан қаерга боражагини сўраганда Жасур унга Сотволдининг адресини кўрсатди.

— Ҳа, йўлнинг устида экан, — деди шофёр кўнгли жойига тушиб, — бу дейман, меҳмон, ўзлари қаердан бўладилар?

— Тошкентдан, нима эди?

— Шундай, ўзим сўраяпман. Иш биланми, ўйнаганими?

— Нима десам экан, унисиям, бунисиям.

— Ўйнагани бўлса, ёзроқда келмабсиз-да. Шоҳимардонга чиқиб, қўлбола ош қилиб берардим, ўзим. Ёзда у томонлар жуда салқин, роса дам олишлик бўлади-да, — шофёр барча фарғоналиклар-га хос меҳмондўстлик билан гапирарди, — ҳалиям бўлса, ёзда бир келинг. Қишда совуқ, қор, томоша қилиб бўлмайди.

— Насиб қилса, келамиз.

— Шундай бўлсин, меҳмон. Фарғонага ёзда келмабсизу, жаннатни кўрмабсиз,— шофёр ҳар бир ватанпарвар сингари водийнинг ложувард осмони-ю, саҳий боғлари, хушқаво тоғ бағрлари-ю, ҳаётбахш суви ҳақида ифтихор билан гапириб берди.

Машина Водил посёлкасига кириб, сойдан ўтмай, район маданият уйи олдидан чапга бурилиб, маданий моллар магазинининг ёнидан пастликка, Шоҳимардон сойи қишин-ёзин шарқираб оқиб турадиган томонга кетди. Сой соҳилига етганда, яна чапга бурилди. Худди олдин бир неча марта келгандай шофёр катта икки тавақали қизил дарвоза олдида тўсатдан тўхтади. Жасур Сотволдининг уйига келганини билиб, шофёрга миннатдорчилик билдирди. Энди машинадан тушаётган эди, йўлқадан келаётган гавдали, тепдак кийган йигит уни кўриб, пешвоз юрди.

— Жасуржонмисиз, ассаломуалайкум?

— Ваалайкум ассалом! Сотволди, дўстим, саломатмисизлар?

Икки ўртоқ қучоқлаб, ўпишиб кўришишди.

— Қайси шамол учирди? — деди, Сотволди дарвозани очиб, ҳовлига бошлар экан.

— Командировкага! — кулимсираб жавоб қилди Жасур, — ўша сиз айтган шоирнинг шамоли!

— Классикларимизнинг руҳига минг бор таъзимлар бўлсинки, ўшалар баҳонасида учрашадиган кун ҳам бор экан!— Сотволди, ҳовлидан овоз қилди. — Буви, меҳмон бошлаб келяпман.

— Меҳмондан айланай, яхши меҳмон худонинг элчиси, — кампир остонага чиқиб, Жасур билан кўришди — келинг, болам, келинг, Хуш келибсиз, — кейин четлаб, уйга кириш учун йўл берди. Ичкарида, ёнбошлаб, кўзойнак билан китоб ўқиётган, қора чопонли, оппоқ соқоли кўксига тушган, сочи устара билан қиртилган, бошига чуст дўпписини чўққайтириб кийган, узун бўйли, озғин, қотма қария «келинг меҳмон, келинг меҳмон» деб ўрнидан турди.

— Бизнинг бобой, — таништирди Сотволди, — қишлоқда шўро ҳукуматининг суянганларидан бири, шунинг учун ҳам ҳамма «Сулаймон шўро» деб атайди.

— Ассаломуалайкум, отахон! Яхшимисиз? — Жасур қўл олиб кўришди. Ота алик олиб, ҳол-аҳвол сўради. Кампир таҳи бузилмаган кўрпачалардан иккитасини кўтариб чиқиб, хонтахтанинг икки томонига тўшагач, ўтиришга таклиф қилди.

— Хўп, келибсиз-да болам, — деб гап бошлади чол, — Сотволди сизнинг тўғрингизда айтган эди. Ҳалиги, ўғлим қурадиган уйларнинг лойиҳасини чизармисиз, шундаймиз?

— Ҳа, энди, хизматимиз шунақа, отахон.

— Кўп яхши. Баракалло, қани ёзилиб ўтираверинг. Кампир қаердасан? — ичкари хонага қараб чақирди ота.

— Ҳозир, дадаси, мана кетяпман, — кампир ичкаридан дастурхон, тандирдан янги узилган бир даста нон кўтариб чиқди, кейин кириб, катта патносда мева-чева олиб чиқаётганда, ўғил дик этиб ўрнидан туриб, онасига қарашди. Ҳа, демай дастурхон безалди.

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Жасурнинг «овора бўлманг» деганига қарамай, онаси газда қайнаб турган чойдишдан кўк чой дамлаб келди-да, ошнинг ҳаракатига тушди. Гап орасида келини бояқиш боласини олиб бугун онасини кўргани кетганини ҳам узр тариқасида айтиб ўтди.

Чой устида Сулаймон шўро Жасурнинг ота-онаси, уй-жойи, болаларини сўради, баъзиларига ўзи, баъзиларига Сотволди жавоб бериб турди. Кейин гап ишга кўчди.

— Шундай қилиб, уйларнинг лойиҳасини чизаман денг?

— Ҳа, энди... Менга «Чимён» посёлкасининг лойиҳасини топширишган эди. Сотволдини Тошкентда кўриб қолганимда баъзи бир гапларни айтувди, бундай ўйлаб қарасам, ўзим бир кўрмасам бўлмайдиганга ўхшаб қолди. Шунга, командировка олиб келавердим.

— Жуда яхши қилибсиз, болам. Бунақа ишларда ўйлаб йўл тутган маъқул,— чол қўлидаги пиёлани хўплаб, хонтахтага қўяркан, давом этди.— ҳовлиқиш нодоннинг иши. Қадимгилар «етти ўлчаб, бир кес» деб бекорга айтишмаган... Илгари, Чимёнда бўлганмисиз? — тўсатдан сўраб қолди ота.

— Йўқ, биринчи келишим...

— Ҳали кўрмаганман, денг. Ҳе, аттанг. Ҳа, майли, ҳеч киси йўқ. Эртага олиб борамиз. «Чимён» жуда ажойиб жой... Агар эсимдан чиқмаган бўлса,— чол хотирага берилди.— 1917 йилда Николай тахтдан йиқилганда, ҳа-ҳа, ўшанда, ҳали Октябрь инқилоби бўлмаган эди. Наврўздан бир ҳафта олдин эди, шекилли. Унда, қайси число бўлади, Сотволдихон?

— Наврўз 22 март шекилли, бир ҳафта олдини бўлса, демак, 15 март бўлади-да, дада,— ҳисоблаб берди Ўғил.

— Ҳа, баракалла, 15 марта. Ўшанда, Чимёнда биринчи ишчи депутатлари Совети ташкил қилинган эди. Буни қаранг, меҳмон, орадан олтмиш йилдан ортиқ вақт ўтиб кетибди-я...

Шундан кейин Сулаймон шўро водийда босмачиларга қарши олиб борилган кураш, колхоз тузилиши, заминдорларнинг қулоқ қилиниши ҳақида анча нарсаларни гапириб берди.

— Чамамда, ўтлаб кетдим, шекилли,— деди ота гўё ўзига келгандай,— «Чимён»нинг лойиҳаси девдингизми?

— Ҳа, «Чимён» комплексининг лойиҳаси...

— Чамамда, бу гапингиздан, болам, янги қишлоқ бўлади, деган маъно келиб чиқса керак, шундайми?

— Шундай отахон, қишлоқдаги ҳамма эски кулбалар бузилиб, ўрнига янги, бир хил иморат қурилади.

Ошга сабзи-пиёзни бостириб келиб, боядан бери ўғлининг ўртоғи билан чоли қураётган суҳбатга қулоқ солиб ўтирган кампир «бузиш» сўзини эшитиб:

— Унда мозор нима бўлади?— деб юборди беихтиёр.

— Қанақа мозор?— била туриб ўсмоқчилаб сўради Жасур,— у ерда қабристон борми?

— Ҳа, ҳазрати Ҳувайдо пиримнинг мозорлари бор,— деди кампир худди Жасур эртага бульдозер қўйиб, ҳаммаёқни буздириб, текислатиб юбораётгандай ҳавотирланиб.

— Аввало, кампир, ҳовлиқмай туриш керак,— унга таскин бериш ниятида гапирди Сулаймон шўро,— иккинчидан, ҳеч қандай ҳазрат ҳам эмас, пир ҳам эмас. Агар сенларга қолса, ҳар бир пишиқ ғиштдан ишланган сагананинг тош ёзуви бўлмаса, азиз-авлиёга айлантириб юборишларинг ҳеч гап эмас. У одам шоир ўтган, ғазалларини машшоқлар куйга солиб айтишади. Жуда ғариб ва мискин яшаган дейишади,— ота энди Жасурга қараб мурожаат қилди,— бу дейман, ўғлим, шунча катта қурилишлар қилиш олдидан ўша ерда нималар борлигини суриштирмайсизларми?

— Нима десам экан, отахон? Суриштиришга одатда эҳтиёж бўлмайди,— деб ўз ишининг сирларидан огоҳ этишга ҳаракат қилди Жасур,— Чунки, буюртмачи, яъни колхозми, совхозми ёки бирон ташкилотми, бизга қандай иморат қурмоқчилигини ёки нималар қуришни планлаштирганини айтади. Бунда, ўша ернинг аҳволи, нималарни бузиб, ўрнига қуриш кераклиги, қандай объектлар бузилмаслиги кўрсатилади. Бу галги буюртмачимиз Сирдарёнинг чап қирғоғи томонида, қишлоққа яқин ердан нефть қазиб олинишини-ю ҳамда «Чимён» санаторийси борлиғини юборган ҳужжатида кўрсатган, холос. Қолган эски бинолар бузилиб, янги архитектурага мослаб қайта қурилиши лозимлиги айтилган. Ҳозир, хабарингиз бўлса керак, ўзига тўқ хўжаликлар кооператив орқали ўй-жой қуришни афзал кўрмоқдалар. Чунки, ҳозирги қишлоқ аҳлининг маданий-маиший эҳтиёжлари шаҳарликларникидан қолишмайди. Демак, замонавий архитектура талабларига мос келадиган, ёруғ, кенг, ҳар жиҳатдан қулай уйлар қуриш керак. Бу уйлар талаб қилинган миқдордаги хоналар, кенг ошхона, ванна, санитария узели, айвони билан битта ёки иккита оилага мўлжалланган бўлиши зарур. Бундай уй-жой қуриш кооперативларнинг фойдаси катта. Кооператив аъзоси, уй нархининг учдан бир қисмини нақд тўлайди, қолган икки қисмига кетадиган маблағни давлат йигирма йил муддатга қарзга беради.

— Барака топсин, давлатимиз!— хурсанд бўлди ота.

— Ана шу учдан бир қисм пулни нақд тўлаш учун ҳам колхозчининг бели бақувват бўлиши керак,— деб давом этди Жасур,— бўлмаса, қишлоқда бундай катта қурилишни бошлаш мақсадга мувофиқ келмайди.

Сулаймон шўро архитектор йигитнинг гапларини диққат билан эшитиб ўтирар экан, ҳаёлидан ҳаммасини бирма-бир ўтказди-да, аввал унинг саволига жавоб берди.

— Колхозчиларнинг турмушига келсак, ўғлим, ёмон эмас. Олди «Волга» минса, берироғи «Жигули», «Москвич» ҳайдайди, энг камида кажавали пат-пат бор. Молҳоли етарли. Ҳалиги сен айтган иморатнинг учдан бирига чоғи келар-ов. Ўзи қанча туради, дединг?

— Ҳар хил, отахон! Саккиз минглиги ҳам бор, ўн олти минглиги ҳам.

— Ундай бўлса, етади.— Чол яна ўзича ҳисоблади,— Ўлибдими, битта хўжаликдан беш-олти минг пул топилмаса, топилади. Бемалол ишлайвер, ўғлим ўйлама,— колхозда қирқ йилдан ортиқ ишлаган, бригадирликдан тортиб, раисликкача қилган Сулаймон ота, пенсияга чиққунча қишлоқ советининг раиси бўлган, ҳар бир колхозчининг имкониятини беш қўлдай билар, шунинг учун ҳам тап тортмай ҳамманинг номидан гапираётган эди,— энди сен айтган уйларнинг баъзи томонларини сўрамоқчи эдим. Ҳалиги, айтгандай, янги уйингда гараж ҳам бўладими?

Жасур ўйланиб қолди, чунки у қўшимча хўжалик хоналарини мўлжаллаганда, гаражнинг қаерда бўлишини ҳаёлига келтирмаган эди. Ота ўринли савол берди. Ҳозир колхозчининг реал даромади йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳар бир хонадонда битта транспорт воситаси бўлиши эҳтиёжи ҳаммада ҳам бор. Демак, қўшимча хўжалик бинолари чизмасини қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

— Ростини айтсам, отахон, ҳозирча бу ҳақда ўйламаган эканман,— тан олди Жасур,— ўчоқ, тандир қуриладиган хонани, молхона, донхона, хашакхонани ҳисобга олган эдим-у, лекин гаражни...

— Буниям эсдан чиқарманг, ўғлим, бора-бора ҳар бир хўжаликда хусусий машина бўлади.

— Хўп, отахон, албатта, ўйлаб кўраман.



ЧИМЁН ЧОРЛАЙДИ. Тоғлардаги қор ҳам ғанимат бўлиб қолди. Шанба ва якшанба кунлари юзлаб шаҳарликлар Чимён тоғига равона бўлишади. Бу ерда улар қишки спорт турлари билан коллектив бўлиб шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилган.

В. Таран фотолари.

ИРОДА ҚУЧИ

Кавардон қишлоғидаги алоқа бўлимига кирган чет кишилар Деҳқон ака Миртурсуновнинг инвалид эканлигини дафъатан пайқашмайди. Деҳқон Миртурсунов Улуғ Ватан уруши йилларида фашист газандларини Курск ва Орёл остоналарида қувиб чиқаришдаги оғир жанг операцияларида иштирок этган ватанпарварлардан бири.

...1943 йилнинг 6 августи Деҳқон аканинг эсидан чиқмайди. Шу куни улар — 6 разведкачи душман зонасига муҳим топшириқни бажаришга ўтишган эди. Топшириқни бажариб қайтишаётганида душман сезиб қолиб, уларни ўқ ёмғирига тута бошлади. Шу ерда разведкачи оғир яраланди. Беш ой давомида госпиталда даволанди. Бундан кейинги жангларда у танкчи сифатида қатнашди. Даҳшатли танк жангларидан бирида иккала оёғидан ажралди.

Аммо икки оёғи ногирон бўлганлиги Деҳқон аканинг юрагини ортиқча таҳликага солмади, ирода зўрлик қилди. Меҳнат фронтига қайтиб келгач ҳам жамият учун хизмат қила бошлади. 1945 йилдан бери қишлоқдаги алоқа бўлимини бошқариб келмоқда. Умр йўлдоши вафодор аёл Зебинисо опа билан иноқ турмуш кечиришиб, жамиятга 11 фарзанд етиштириб беришди.

— Урушда ногирон бўлиб қолганлигимдан асло нолимайман. Давлат етарли пенсия билан таъмин этган, енгил машинам бор. Танамда қувватим бор экан эл учун меҳнат қилавераман. — дейди уруш ветерани Деҳқонбой ака. Ҳа, ирода билан яратилган бахтнинг умри боқий бўлади.

Ж. АБДИЕВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ХУРМОНИ АСРАНГ!

ЖАЗОИР Саҳрои Кабир водийларида кўплаб ўсадиган хурмо дарахтлари жиддий ҳавф остида қолди. Худди шу дарахтга зарар етказувчи бир касаллик кенг тарқалиш сабаби шундай бўлмоқда.

Ўтган асрда худди шу касаллик Марокаш водийсидаги хурмоларга офат келтириб, Ғарб ва Шимолга томон тарқала бошлаган эди. Яқинда эса офат Эл-Голия водийсига ҳам ўтди. Бу жойда икки юз мингга яқин хурмо дарахти бор.

Ҳозирда Жазоир ҳукумати бу дарахтларни сақлаб қолиш учун кенг кампания бошлади. Юзлаб кишилар водий ерлари ва ўсимликларига химикалийлар билан ишлов бермоқда.

Саҳрои Кабир аҳолисининг кўпчилик қисми учун хурмо асосий озиқ-овқат мевасидир.

ЕВРОПА МАРКАЗИ ҚАЕРДА?

БУ саволга жавоб бериш анча мушкул. Аммо, «Шундай марказ худди бизнинг территориямизда жойлашган» дегувчилар ҳам анчагина бор.

Польшадаги Суховоля қишлоғи бу борада биринчи ўринда туради. Қишлоқ аҳолисининг фикрича, агар Европанинг энг баланд тўрт нуқтасини бирлаштирувчи иккита тўғри чизиқ ўтказилса, улар худди шу Суховоля қишлоғида кесишади. 2129 хонадондан иборат бу қишлоқ Белосток шаҳридан 60 километр нарида жойлашган.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

ЯНА УСТУНЛИК

Мана бир неча йилдирки СССР ва АҚШ боксчилари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашувлари ўтказиб келинмоқда. Икки мамлакат спортчилари галма-гал меҳмон бўлишмоқда. Бу сафар «чарм қўлқоп» усталаримиз жавоб учрашувларини Америка Қўшма Штатларининг уч шаҳрида ўтказишди.

Биринчи учрашувни 5:6 ҳисобида бой берган совет спортчилари иккинчи, учинчи матчларда 5:3 ва 7:3 ҳисобларида устунлик қилдилар. Айниқса сўнгги якунловчи бахс боксчиларимизнинг қўли баланд ҳолда ўтди. Командамизга Евгений Горстков, Александр Бодня, Владимир Сердюк, Берикбой Нурмагамбетов, Серик Қўноқбоев, Валерий Рачков, Николай Ерофеевлар ғалаба келтиришди.

СУВДАГИ ГОЛЛАР

Москвада сув полоси бўйича мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари мавсумнинг дастлабки давра ўйинларини бошлаб юборишди. Республикамиз вакиллари Тошкентнинг «Меҳнат» ватерполчилари ўзларининг биринчи ўйинларини Минскнинг «Буревестник» командаси билан ўтказишди. Бу ўйинда белорус ватерполчилари 8:6 ҳисобида ғалабага эришдилар. Иккинчи кун «Меҳнат» анча кучли пойтахтнинг МЭИ коллективи билан куч синашиб, 10:7 ҳисобида ғалаба қозонди. Учинчи турда эса вакилларимиз ЦСК ВМФ командасидан енгилишди 7:10.

БИРИНЧИ ЎИН ДУРАНГ

«Бинокор» ўтган куни чемпионатнинг навбатдаги учрашувини ўз майдонида Липецкнинг СКА МВО хоккейчилари билан ўтказди. Кучлар тенг келди. Ҳисоб 2:2. Кеча командалар такрор куч синашдилар.

Ҳозирда «Бинокор» 53 очко билан жадвалда бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

БИЛЛУР СОВРИН БАХСЛАРИ

Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида СССР кубоги учун енгил атлетика бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ финал мусобақалари ниҳоясига етди. Республикамиз вакиллари ўртасида Замира Зайцева 800 метрга югуришда 2 минут 0,20 секунд вақт кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади. Қолган вакилларимиз эришган натижалари ютуқлик қувонарли бўлмади.

РСФСР енгил атлетикачилари команда ҳисобида ғолиб келиб, СССР кубоги эгаси бўлдилар.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

Узбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7, 8 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 да

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар Ҳамидов, Изомжон САДРИЕВ, Ойхон ЕҚУБОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА.

РАҚҚОС ВА РАҚҚОСАЛАР:

Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ражаб ИСМОИЛОВ,

Оригинал жанрда — Собир МАҲКАМОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Олмахон ХАЙИТОВА.

Музика раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Узбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети УЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРШМАСИ ҚОШИДАГИ

140-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—80 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ: кенг профилдаги ёғочсозстанночи (ўқиш муддати — 1 йил), дурадгор (3 йил), фачерчи (1 йил), пардозловчи (1 йил), ёғочсозлик ускуналарини созловчи (3 йил), прессчи (1 йил), бадиий ва моделли мебеллар дурадгори (3 йил), ошхона мебеллари бўйича дурадгор (1—3 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БУЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, ҳамда янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика), шахмат-шашка, футбол, волейбол, самбо,

ОБЛАСТЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржиман ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ. ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Спутник массиви, 4-квартал (15-троллейбус, 58, 75-автобусларнинг «140-билим юрти» бекати).

«УЗХЛАДОТОРГМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ Тошкент ихтисослаштирилган ремонт-монтаж бошқармаси совутиш ва савдо технологияси ускуналарига хизмат кўрсатувчи механиклар тайёрлайдиган 4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга камида 3-разрядли электрик ёки ичдан ёниш двигателлари ремонти бўйича слесарь касбига эга бўлган 20 ва ундан катта ёшдаги тошкентликлар қабул қилинади.

Ҳар ойда стипендия берилади.

Мурожаат учун адрес: 700032, Тошкент шаҳри — 32, Куйбишев райони, Грампластинка кўчаси, 40-уй (1, 1 «э» 4, 17, 24, 69-автобуслар, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси» бекати). Телефонлар: 66-21-31, 66-03-65.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МЕҲНАТ БУЙИЧА БЎЛИМИ

РСФСР, Қозоғистон ва Ўзбекистон қурилиш ташкилотларида ишлаш учун қурилиш касбларига эга бўлган ва касбга эга бўлмаган ёрдамчи ишчиларни, ёлғиз эркак ва хотин-қизларни

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ЎТКАЗАДИ

Шимолий районлардаги ўрмон саноати хўжаликларида ишлаш учун 6 ойга шартномалар тузади.

Ишчилар яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар ва иш жойига бепул борадилар.

Справкалар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: шаҳар ижроия комитетлари, район ижроия комитетлари ҳузуридаги меҳнат бўйича вакилларга ва аҳолини ишга жойлаштириш ҳоларларига ҳамда Тошкент шаҳар Привокзальная кўчаси, 30-уй. Телефонлар: 33-81-21, 33-84-84.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». 10.50 — «Биринчи кун, охирги кун». Бадиий фильм. 12.00 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Данилов чалади. 12.20 — 15.00 — Яңгиликлар. 15.20 — Ошкора сўҳбат. Ҳужжатли фильм. 16.20 — Ҳаёт ва ижод саҳифалари. 17.00 — Москва комсомолининг ишлари. 17.30 — В. Петров чалади. 18.00 — Горнчилар, қаердасиз? 18.30 — Хоккей. СССР—Канада. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.40 — СССР Олий Советига сайловлар олдидан. 19.55 — «Икки ўртоқ ҳизматда». Бадиий фильм. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Украина Россия билан қайта қўшилганлигининг 325 йиллигига бағишланган тантанали концерт. 1-қисм. 23.15 — Яңгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Мультфильм. 18.15 — Жонажон ўлка. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Замондош билан юзма-юз. 19.30 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг 60 йиллигига. В. Дельмар «Ғариблар» спектакли. 21.30 — Вақт. 22.05 — Спектаклнинг давоми. 23.20 — Волейбол бўйича эркаклар командалари ўртасида СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент) — «Кураппаратура» (Вильнюс).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Тошкент яңгиликлари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/Да Корсар, 8/Да Дилором.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/Да Рўйхатларда йўқ, 8/II да Ганг дарёсининг қизи.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/Да Ташвишланманг, онажон (16.00), 8/Да Чандиқлар (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Тўрт куёв» эстрада-цирк ўйлари ревюсининг гастроллари (19.30).

ДОИМИЙ ИШГА

қўлда ҳарф терувчилар, линотипистлар, печатниклар, қабул қилувчилар, юқорида кўрсатилган ихтисослар бўйича шогирдлар, совутиш қурилмалари бўйича инженер, қозон қурилмалари бўйича слесарь, электромонтёрлар, лифтлар бўйича электр механиклар, алоқа электромонтёрлари, токарь, слесарлар, полиграфия ускуналарини созловчилар ва слесарь-ремонтчилар, қоғоз қирқувчилар, машинистка, курьер, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, вахтёрлар, идиш-товоқларни йиғиштириб олувчилар, қурилиш касбларидаги ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси коллективи Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи «Фрунзевец» газетаси редактори В. В. Стуловскийга онаси

СТУЛОВСКАЯ Анна Кирилловнанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07068. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2327.